Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 251 (5842)

1 НОЯБРЬ 1985 й.
ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1985 йил 22—23 октябрда Софияда бўлиб ўтган кенгаши якунларини кўриб чиқди.

Сиёсий бюро совет делегациясининг фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаб, қуйидагиларни таъкидлади: Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши биринчи даражали аҳамиятга молик халқаро воқеа бўлди. Европада ва жаҳонда кескин ва вақти-вақти билан жуда хатарли бўлган шароитда социалистик давлатларнинг раҳбарлари уруш хавфини камайтириш ва халқаро муносабатларни кескинликни юмшатиш изига қайтаришнинг реал йўлларини кўрсатиб бердилар. Улар Совет Иттифоқининг қуролсизланиш соҳасидаги янги катта ташаббусларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, Женевада олий даражада ўтказиладиган Совет — Америка учрашуви арафасида қардош партиялар ва мамлакатларнинг позициялари муштарак эканлигини тасдиқладилар.

Сиёсий маслаҳат комитети қабул қилган Баёнот муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди. Баёнотда ҳозирги халқаро аҳволнинг актуал проблемалари юзасидан Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ўзаро келишиб олинган йўли баён қилинган. Ана шу салмоқли ва кенг кўламли ҳужжатда социалистик мамлакатларнинг ўзларига нисбатан ҳарбий устунликка йўл қўймаслик, Европа қитъасида ва умуман жаҳонда ҳарбий мухолифлик даражасини пасайтиришга сабот билан эришишдан иборат қатъий ниятлари ифода қилинган. Кенгаш халқаро илмий-техника ҳамкорлигига жаҳоншумул тус бериш ва уни фақат тинчлик мақсадларига бўйсундириш зарурлиги тўғрисида илгари сурган ғоя принципиал аҳамиятга эгадир.

Иттифоқдош социалистик давлатларнинг бирлиги ва жипслиги янада мустаҳкамланганлиги, уларнинг Варшава Шартномаси доирасидаги ҳамкорлиги механизми такомиллашганлиги, қардош партиялар планетамизнинг тинч келажаги учун бундан буён ҳам сабот-матонат билан кураш олиб боришга қатъий аҳд қилганлиги — София кенгашининг энг муҳим якунидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси илғорларига, фан ва техника, адабиёт, санъат ва архитектура арбобларига СССРнинг 1985 йилги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди. Қарорларнинг тексти матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро Боку шаҳар хўжалигини келгуси беш йилликда янада ривожлантириш тадбирларини маъқуллади. Бу ерда уй-жойлар, умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва медицина муассасалари қурилишини анча кенгайтириш, трамвай ва троллейбус қатнайдиган янги йўлларни, коммунал хўжалиги объектларини ишга тушириш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик тадбирларини амалга ошириш мўлжалланади.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Болгария Халқ Республикасига қилган дўстона визити, унинг Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Т. Живков билан олиб борган музокаралари якунларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Ана шу визит ва музокаралар партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстликнинг ёрқин намойишига айланди, ҳар томонлама Совет — Болгария ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, бу ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришнинг яна бир муҳим омили бўлди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди билан учрашуви тўғрисидаги ахбороти тингланди ва маъқулланди. Бу учрашув ҳар икки томон дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ва ҳар икки мамлакат халқларининг Осиёда ҳамда бутун жаҳонда тинчлик ва хавфсизлик иши манфаатларини кўзлаб, халқаро майдонда баҳамжиҳат ҳаракатни кучайтиришга интилаётганлигини яна бир марта намойиш қилди.

Сиёсий бюро мажлисида ўртоқ А. А. Громиконинг СССР Олий Советида Югославия Социалистик Федератив Республикасининг парламент делегацияси билан учрашуви ҳақидаги ва ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг қуролсизланиш масаласи юзасидан Социалистик Интернационалнинг Венада бўлиб ўтган конференциясида КПСС делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахборотлари кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатнинг бошқа баъзи масалаларига оид қарорлар қабул қилинди.



КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездини умумхалқ социалистик мусобақасида янги меҳнат зафарлари, юксак муваффақиятлар билан кутиб олайлик! Зарбдорларча ,стахановчасига ишлайлик!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

БУГУН партиямиз XXVII съездига бағишланган ўн еттинчи стахановча декада бошланди. Бу зарбдор ўн кунлик умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги арафасида старт олди. КПСС XXVII съездини янги меҳнат зафарлари билан, социалистик мусобақада юксак натижалар билан кутиб олишга даъват этувчи КПСС Марказий Комитетининг Октябрь чақириқларини тошкентликлар жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар.

Янги таҳрирдаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг лойиҳаси коллективларда юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятини вужудга келтирди. Лойиҳада баён этилган программ қоидалар муҳокамаси чоғида корхона ва ташкилотларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар киритилмоқда. Хўжалик фаолиятини яхшилаш, 1985 йил ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш, янги йилнинг дастлабки кунларидан ишни аниқ ташкил этиш масалалари диққат-марказида турибди. Съездолди зарбдор вахтасида ишлаб чиқаришни бошқариш механизмини янада такомиллаштириш, меҳнатни интенсивлаштириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Айнан туб, фаолиятнинг етилган хўжалик иқтисодий масалаларини ҳал этиш туфайли В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», «Қизил тонг», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмалари, «Малика» трикотаж бирлашмаси, Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи каби корхоналарнинг коллективлари зарбдор ўн кунликлар давомида юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришдилар. Ана шу корхоналарда йиллик планни муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш шон-шараф иши, ҳаёт нормаси бўлиб қолган ташаббускорларнинг издошлари кенгаймоқда. Минглаб тошкентликлар улардан ўрнак олишмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини, социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш эвазига Ўзбекистон пойтахти индустриясининг ходимлари ўтган ўн кунликда январь-сентябрь ойлари халқ хўжалиги топшириғини муддатидан илгари адо этдилар, мамлакатга планга қўшимча равишда бир неча ўн миллион сўмлик саноат маҳсулотларини етказиб бердилар.

Шундай қилиб, меҳнат эстафетасини ўн еттинчи зарбдор ўн кунлик қабул қилди. Бугундан электр транспорти ходимларининг съездолди йўқламаси бошланади.

● Пойтахт қурилишларида

МАССИВ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

«Қурувчилар ва монтажчилар! Қурилиш самарадорлигини оширингиз!
Замонавий техника асосида тежамли ва сифатли қурингиз! Ишга тушириладиган объектларни юқори сифат билан ва ўз вақтида топширингиз!»
(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Фрунзе районидаги янги «Бошлиқ» турар жой массиви кун сайин чирой очмоқда. Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 4-уйсозлик комбинати бунёдкорлари бу ерда кенг кўламда турар-жой қурилишини олиб боряптилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан руҳланган қурувчилар ҳар бир кунни юксак унум билан нишонламоқдалар.

Байрамолди беллашувида мазкур комбинатнинг 1-қурилиш конвейерлари бошқармаси коллективи пешқадамлик қиляпти. Бригадалараро мусобақада эса бошқарманинг И. Андреев етакчилигидаги уйсозлар карвонбошиликни қўлдан бермай келяптилар. Бригада йил бошида тўққиз қаватли 81 квартирали уйни ҳамшаҳарларимизга топширган эди. Улар айни пайтда яна бир шундай шинам уйни фойдаланишга тахт қилмоқдалар. 35-қурилиш бошқармасининг пардозловчилари эса бир йўла объектда сайқал ишларини тез ва соз амалга оширмоқдалар.

Ҳ. КАРИМОВ.

БАЙРАМГА ТУҲФА

Пойтахтнинг Киров районидаги Тимирязев кўчасида яна иккита тўққиз қаватли уй қад кўтарди. Бу муҳташам уйларни 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишди. 40 квартирали биринчи уйда пардоз ишлари ниҳоясига етказилди. Бу ерда байрам арафасида тошкентлик 40 оила уй тўйлари ўтказади. Ҳозир янги уйни давлат қабул комиссияси кўздан кечирмоқда.

Янги уйда аҳоли учун бир қатор қулайликлар яратиш ҳам кўзда тутилган. Бинонинг биринчи қаватида омонат касса ва алоқа бўлими жойлашади.

Қурувчилар 36 квартирали иккинчи уйни эса ноябрь ойининг ўрталарида фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Айни пайтда объектда сайқал ишлари жадал суръатда олиб бориляпти.

Р. ШОДИЕВ.

«ТО» ТЕЛЕТАЙПИ

▲ Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида КПСС XXVII съездига бағишланган социалистик мусобақада 1-троллейбус депоси пешқадамлик қилмоқда. Корхона коллективи шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида планга қўшимча 1.126 минг пассажирга хизмат кўрсатди. Фойда олиш плани 37,3 минг сўмга ошириб бажарилди. Зарбдор меҳнат вахтасини давом эттираётган депо ишчи ва хизматчилари йиллик планни барча кўрсаткичлар бўйича 1 декабргача бажаришга аҳд қилдилар.

Ишлаб чиқариш ветерани Т. Сафонова етакчилик қилаётган 14-маршрут корхонада энг пешқадам ҳисобланади.

▲ Иккинчи трамвай депосида партия анжумани шарафига давом этаётган социалистик мусобақада Ольга ва Владимир Фединлар етакчилик қилаётган 9-маршрут экипажлари пешқадамлик қилишмоқда. М. Параев, Х. Содиқхўжаев, Х. Усаров, А. Голоцан сингари илғор ҳайдовчилар шарафига ҳам коллективда биринчи марта Шуҳрат байроғи кўтарилди. Ҳаракатдаги составни ҳамиша соз бўлиши ва нуқсонсиз ишлашида электр слесарь М. Аҳмедов, слесарь А. Эргашев, ўровчи Н. Журавлев сингари ремонтчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

▲ Тошкент Советининг 50 йиллиги номидаги вагон ремонти заводида социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Корхона меҳнатчилари партия анжуманини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун янги резервларни ишга солишяпти. Съездолди зарбдор декадаларида Р. Каримов бошлиқ электр слесарлар бригадаси, В. Кутруба ва Г. Гавриленко етакчилик қилаётган электр газ пайвандчилар бригадалари бир неча марта ғолиб чиқишди. Кунлик ва ойлик топшириқни ошириб бажаришда токарь Н. Немошкалов, темирчи В. Смагин, силлиқловчи Г. Раҳимов, В. Мастяев, сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари намуна кўрсатишмоқда.

●ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА ИНТЕРВЬЮ

Анатолий ИВАНОВ:

«ТОШКЕНТ МЕНГА ЯНГИ ДЎСТЛАРНИ ҲАДЯ ЭТДИ»

Машҳур совет ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, СССР ва РСФСР Давлат мукофотларининг лауреати, ёш авлод учун машҳур ва оммавий нашрлардан бири — «Молодая гвардия» журналининг бош редактори Анатолий ИВАНОВ Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. «Тошкент оқшоми»нинг мухбирлари А. Пўлатов ва Э. Адайкина ҳурматли ёзувчи билан суҳбатлашишди.

— Анатолий Степанович, Сиз Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди фахрий меҳмони бўлдингиз ва бу анжуманда сўзга чиқдингиз. Диёримизнинг адабиёти ҳақида Сизнинг таассуротларингиз ва истакларингиз нималардан иборат?

— Мен ўзбек совет ёзувчиларининг анжуманида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. КПСС XXVII съезди арафасида бу адиблар анжуманини ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилганлигини, съезднинг иши кўтаринки руҳда ўтганлигини таъкидламоқчиман.

Ўтган беш йил ичида адабиётчиларнинг фаолиятига объектив баҳо берилди, ўзаро танқид ва танқидий фикрлар ҳам айтилди. Республикангиз адабиёти бир хил тарздаги асарлар билан ривожланибгина қолмай, балки яхши асарлар ҳам яратилган. Рус ва мамлакатимиз халқларининг бошқа тилларида ҳамда чет тилларда нашр этилган ўзбек китоблари фикримизнинг далилидир. Катта авлоднинг ёзувчилик маҳорати яққол сезилиб турибди. Сусткашлик билан «камолот»га етаётган ёшлар адабиётда ўз фикрини айтадиган вақт аллақачон етиб келганлигини айтиб ўтмоқчиман.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида ҳам Коммунистик партия адабиёт ва санъатнинг аҳамиятини ҳар томонлама оширишга катта эътибор бераётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Халқимизнинг маънавий савияси даражаси ўсган сари санъатнинг жамиятимиз ҳаётига кўрсатаётган таъсири кучайиб бормоқда. Бу биз адибларнинг олдига юксак бадиий асарларни яратишдек катта масъулиятли вазифани қўймоқда. Биз бундан буён меҳнатга виждонсизларча муносабатда бўлиш ҳолларига чек қўймоғимиз керак. Ишчи ҳам, олим ҳам, ёзувчи ҳам — хуллас ҳар биримиз ўз ишимизни виждонан садоқат билан бажармоғимиз керак.

— Сиз СССР Олий Советининг депутатлигига 601-Тошкент — Киров сайлов округидан сайлангансиз. Сиз сайловчилар билан учраша олдингизми?

— Албатта учраша олдим. «Технолог» илмий- ишлаб чиқариш бирлашмасида депутат сифатида олиб бораётган ишларим ҳақида ҳикоя қилиб бердим, сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлигини гапириб бердим. Мамлакатимиз ҳаётида улкан воқеа — КПСС XXVII съезди бошланадиган кунни меҳр ва муҳаббат билан кутмоқдамиз. Ҳозирги пайтда Советлар ишида иккинчи даражали вазифалар йўқ. Депутат сифатида мен олаётган кўплаб мактубларнинг муаллифлари уй-жой, медицина хизматидаги камчиликларни ҳал этишни ўртага қўймоқдалар.

— Китобхонлар Сизнинг асарларингизни севиб ўқишади. Булар ўткир зиддиятлар асосига қурилган «Соялар чошгоҳда йўқолади», «Мангу даъват» романларингиздир. Китобхон ва шундан кейин телетомошабинлар ана шу асарларни экранда кўриб янада юксак баҳо бердилар.

— Кинематографчилар билан кўп ишлашга тўғри келган бу асарларнинг муаллифи сифатида бундай баҳони эшитиш мароқлидир. Ўн тўққиз сериядан иборат «Мангу даъват» фильмида сценарий муаллифи сифатида юксак мукофот — СССР Давлат мукофоти лауреатини олишга сазовор бўлдим.

— Анатолий Степанович, ижодий режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Аввалги сафар бу ерга келганимда, янги киносценарий устида фикр юритаётганлигимни айтган эдим. Эндиликда ўша фикрим «Ермак» икки серияли фильм бўлиб шаклланмоқда. Бу тарихий картинада Ермакнинг Сибирга юриши, Сибирнинг рус давлатига қўшилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Дўстларим давраси кўпайиб бораётган Тошкентга ҳар сафар келганимда бир олам мамнунлик оламан. Эндиликда эса СССР Олий Советининг депутати сифатида юмушларим янада кўпайди. Ажойиб шаҳар ва унинг ажойиб меҳнатчилари билан яқиндан таништираётган тақдиримдан ғоятда миннатдорман.

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Федерал молия министри Франц Враницкий бошчилигидаги Австрия республикаси ҳукумат делегацияси Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров 31 октябрда Ф. Враницкий бошчилигидаги Австрия делегациясини қабул қилди.

● 31 октябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский мукофотларни топширди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунга олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг сектор мудири ўртоқ Петр Иванович **Подкоповни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 17

„ОҚ ОЛТИН"— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА	1,03	101,04
Наманган	1,08	99,04
Тошкент	0,69	96,55
Хоразм	0,45	88,81
Сирдарё	1,19	87,51
Андижон	0,94	85,15
Сурхондарё	1,03	84,53
ҚҚАССР	0,44	83,11
Бухоро	0,53	80,97
Жиззах	0,88	76,11
Навоий	0,59	74,80
Самарқанд	0,90	70,21
Қашқадарё	1,05	60,25
Республика бўйича:	0,86	83,70

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ   ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ГЛАВТАШПАСС-АВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИКДАГИ ОБЛАСТЛАРНИНГ ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, Р. Нуъмонов, Т. Каримовлар Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидан хабар қиладилар.

СамПИ намунаси

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг ректори В. М. МАЖИДОВ ҳикоя қилади:

— Пахта йиғим-теримида қатнашиш ҳамма қатори биз учун ҳам шарафли бурчга айланган. Сирдарё областида пахта йиғим-теримида қатнашаётган Тошкент олий ўқув юртлари ва техникумларининг коллективлари бизнинг камтарона меҳнатимиз самараси бўлган «САМПИ усули» ҳақида фахрланиб гапиришади. Бу бизга ёқимли туюлса-да, зиммамизга катта бир масъулият ҳам юклайди. Негаки, доимо ана шундай байроқдорликка интилишга ундайди. Ҳозир 3.300 дан зиёд студентларимиз Ильич районидаги Титов номли ва «Октябрь 60 йиллиги» совхозларида жонбозлик кўрсатишяпти. Уларни биз 46 бригадага бўлдик. Ҳам факультетлар ўртасида, ҳам бригадалар ўртасида ўзаро мусобақани ташкил этдик.

Факультетлар ўртасида биринчи ўринни 1-педиатрия факультети студентлари эгаллаб келишяпти. Улар ҳозиргача 1600 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб бердилар. Уларнинг ишлари мақтовга сазовор бўлмоқда.

Бригадалар ўртасида А. Абдумажидов, Ғ. Исломбеков, К. Жумашевлар етакчилик қилишаётган бригадалар бошқаларга намуна бўлишяпти.

Шу кунгача институтимиз коллективи уйган пахта хирмони 2.780 тоннадан ошиб кетди.

Биз шу ўринда пешқадам студентларимиз номларини ҳам қайд этиб ўтмоқчимиз. 1-курс студенти К. Абдуллаев, 2-курс студенти О. Абдуллаева, 4-курс студенти М. Матҳолиқова, 3-курс студенти Х. Муродов ва бошқаларнинг ҳар бири хирмонга тўккан пахта 3 тоннадан ошиб кетди.

2-педиатрия факультетимизнинг 1,5 мингдан зиёд студентлари ҳам ҳиммат кўрсатиб ишлаётганини айтиб ўтмоқ керак. Улар уйган «оқ олтин» 1.200 тоннадан ошди. У. Алиев, А. Фозилов, Ш. Аҳмедовлар меҳнат қилаётган бригадалар кўнгилдагидек натижаларга эришишяпти.

100 килограммчилар ҳаракати кенг авж олиб кетди. Мана, улар: А. Жумабоев кейинги беш кунликда 630 килограмм, О. Умаров 570 килограмм, Ч. Орзиқулов 559 килограмм, Н. Худойқулов 554 килограмм дурдона териб бердилар. Қизлар ҳам ортда қолишмаяпти. 1-курс студентлари М. Бобоева ва Ф. Бобоёровалар 350—450 килограммдан дурдона теришди.

Педагог ва студентлар коллективларининг аҳди битта: Улуғ Октябрнинг 68 йиллиги ва КПССнинг яқинлашиб келаётган XXVII съездига қўриқ область пахтазорларида муносиб меҳнат туҳфаси тайёрлашдир.

СУРАТЛАРДА: Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг илғор теримчилари Сирдарё область Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози пахта далаларида.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

КУЧЛАРНИНГ ЖАНГОВАР КЎРИГИ

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленумида ҳозир ҳар бир совет кишиси, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир партия ташкилотининг конкрет иши айниқса зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Шу муносабат билан мен ёшлар билан ишлашга эътиборни қаратишни истардим. Негаки, заводга баъзан шундай ёшлар келмоқдаки, «бурч, масъулият» тушунчаси ҳали конкрет ишлар билан мустаҳкамланмаган, қандайдир мавҳум тушунчадек туюлади, уларга.

Бундай пайтда мураббийларнинг меҳнатда шахсий намуна кўрсатишлари, ёшларга эътибор билан қарашларигина уларнинг ишчи касбида ўз муносиб ўринларини топишларига ёрдам беради. Мен ана шундай ҳамкасбларимнинг номларини фахр билан тилга оламан. Улар учун иш ғоятда севимли, коллектив эса қадрдон бўлиб қолган. Булар—М. Миёнсодиқова, Р. Илҳомова ва бошқалардир. Бир пайтлар улар ёш, тажрибасиз ҳисобланишарди, Эндиликда эса ўзаро мусобақада пешқадамлик учун беллашишяпти.

(5-цех йиғувчиси, коммунист Э. Каттабекова сўзидан).

Бугунги куннинг юксак талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар конструкциясини модернизация қилиш ва янада замонавийроқ технологияни жорий этиш бўйича ишларни кучайтириш керак. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш лозим.

Бизда резервлар бор. Фақат бамайлихотирликка барҳам бериш даркор. Шундагина олдимизга қўйилган барча вазифаларни бажараоламиз.

(10-цехнинг участка бошлиғи, коммунист В. Ежов сўзидан).

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми бошланғич партия ташкилотларини партиянинг асосий потенциали деб атади. Ҳисобот даврида партия комитети етакчилигида катта ташкилотчилик-партиявий, идеологик ишлар олиб борилди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга алоҳида эътибор бериляпти. Жанговарлик кўригининг ўтказилиши бизга кадрларни жой-жойига қўйиш масаласидаң тортиб, сиёсий-иқтисодий таълимгача барча ишларимизни ҳар томонлама таҳлил этиш имконини берди.

(Цех партия ташкилотининг секретари Т. Дудий сўзидан).

«Миконд» заводи ҳисобот-сайлов партия конференцияси делегатларининг сўзларида партия ташкилоти ҳаётининг, ишлаб чиқариш фаолиятининг энг муҳим, актуал масалаларига асосий эътибор қаратилди. Корхонада КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми, матбуотда эълон қилинган КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси кенг муҳокама этиляпти. Юксак ижтимоий активлик руҳи конференцияда ҳам яққол сезилди. Партия комитетининг секретари Ш. Саидов қилган ҳисобот доклади ана шу активликка туртки берди. Унда ишдаги муваффақиятлар тилга олинган бўлса-да, асосий эътибор мавжуд ишларнинг аҳволини холисона таҳлил этишга, резервларни қидириб топишга қаратилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар ишлаб чиқариш проблемаларига, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига эътиборни қаратишди.

Бу ишларда коммунистларнинг, умуман партия ташкилотининг қандай роль ўйнаётганлигига алоҳида эътибор берилди.

Завод бошланғич партия ташкилотлари ҳал этаётган вазифаларнинг муҳимлиги, корхона партия ташкилотида уларга раҳбарликни янада яхшилаш зарурлигидан келиб чиқиб, эксперимент тариқасида Воронеж шаҳар партия ташкилотининг тажрибасини ҳисобга олиб, партия ташкилотларининг жанговарлик кўриги ўтказилди.

Кўрикнинг асосий вазифаларидан бири шуки, ҳар бир партия ташкилотида шундай маънавий-психологик иқлим яратиш керакки, партия ташкилотининг обрўси ва жанговарлиги, коммунистларнинг авангардлик роли муттасил ошиб борсин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги Пленумларида экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги мавжуд жиддий нуқсонларга қарши қатъий муросасиз кураш олиб бориш, оқилона кадрлар сиёсатини ўтказиш, кишиларни юксак талабчанлик руҳида тарбиялаш зарурлиги уқдириб ўтилган эди. Бошланғич партия ташкилотлари ана шу кундалик ишларнинг асосий маркази ҳисобланади. Шунинг учун улар орқали ҳамма жойда ҳар қандай салбий ҳолатларга қарши муросасизлик, ҳар бир коммунистда ўз иши ва хатти-ҳаракати ўз вақтида ва қаттиқ туриб талаб этиш вазиятини яратишга эришиляпти.

Завод партия ташкилоти ҳам ўз олдига ана шундай вазифани қўйган эди. Конференцияда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия ташкилотининг жанговарлик кўриги давомида ҳар бир коммунист билан суҳбатлар ўтказилди. Бу суҳбатлар мобайнида фақат партия ташкилотида ишларнинг умумий аҳволигина баҳоланиб қолмасдан, балки ҳар бир коммунистнинг ишлаб чиқариш ва жамоат фаолияти, унинг турмушдаги юриш-туриши таҳлил этилди.

Кўрик мобайнида айрим қуйи звеноларда ташкилотчилик ва идеологик ишлардаги баъзи нуқсонлар очиб ташланди. Суҳбатлар мобайнида коммунистлар буларни яхшилаш бўйича конкрет амалий таклифлар киритдилар. Ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга эътибор қаратилди.

Коммунистлар билан суҳбат чоғида комиссиялар уларнинг партиявий топшириқларини қайта кўриб чиқдилар. Суҳбатлар чоғида кадрлар масаласи ҳам ҳал этилди. Шу нарса таъкидландики, цехларда ишчи коллективларида яхши тайёргарликдан ўтган, ишга кўтаришга муносиб кишилардан иборат яхшигина резерв бор. Улар орасида коммунистлар ҳам оз эмас. Партия комитети 114 та танқидий мулоҳаза ва таклифларни ўз назорати остига олди. Булар кўрик мобайнида билдирилган бўлиб, ҳал этишни кечиктириб бўлмайди.

Ҳисобот-сайлов партия конференциясига тайёргарлик кўра туриб, партия комитети КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида ташкилий-партиявий, ғоявий-тарбиявий ишларнинг энг муҳим йўналишлари бўйича партия ташкилоти олиб борган иш тўғрисида коммунистларнинг фикрини билиш мақсадида анкета тарқатди. Бундай ўрганиш партия ташкилоти жанговарлиги кўригининг мантиқий давоми бўлди.

Бундай социологик тадқиқот, деб таъкидланди конференцияда, коллективдаги микроиқлимни холисона баҳолаш, кишиларнинг кайфиятларини ўрганиш имконини бермоқда. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, партиявий ишда инсонийлик омилини ҳисобга олган ҳолда илмий таҳлил пайдо бўлди.

Коммунистлар билан ишлашдаги нуқсонлар қаторида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, барча лавозимдаги раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда ижрочиликни ифодаловчи кўрсаткичлар асосий бўлмай қолди. Заводда у ёки бу топшириқларни бажармаслик ҳолларини минимум даражада қисқартиришга эришилмади. Партия комитети бош мутахассислар, цех ва бўлимларнинг бошлиқларини Устав талабларини ва хизмат вазифаларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш бўйича етарлича иш олиб бормади. Партия комитети ўз мажлисларида мастерлар, бригадирларнинг ҳисоботларини тингламади. Заводнинг кўпчилик цех партия ташкилотлари ва партия группаларида раҳбарларнинг ҳисоботларини ва ахборотларини тинглаб бориш сингари коммунистлар масъулиятини ошириш формаси одат тусига айланмаган.

Конференцияда цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бўлиб ўтган йиғилишлар ҳақида ҳам гапирилди. Булар коммунистларнинг активлиги ва масъулиятини оширишга, партия ташкилотларининг жанговарлигини кучайтиришга ёрдам берди. Йиғилишлар партия ташкилотлари фаолиятини янада активлаштириш шиори остида ўтди. Ҳисобот-сайлов кампанияси мобайнида маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларининг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг состави мустаҳкамланди.

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳамма жойда ҳам йиғилишларга яхши тайёргарлик кўрилди ва юксак ташкилий ҳамда сиёсий савияда ўтди, деб бўлмайди. Ҳисобот докладларини шошма-шошарлик билан тайёрлаш, коммунистларнинг кенг доирасини жалб этмаслик ҳоллари содир бўлди. Уларда қилинган ишлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилмайди, келгуси давр вазифалари бўш кўрсатилди. Баъзи цех партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг роли очиқдан-очиқ пасайтириб юборилди. Масалан, 7,15-цехларда шундай ҳол рўй берди. Баъзи ҳолларда у умумий тарзда, асосан истак ва илтимослар тарзида айтилди.

Кўп ҳолларда эса танқид кўпроқ юқоридан бўлди ва қуйидан танқид ўта бўш бўлди. Конференция делегатлари шуни таъкидлашдики, бу нарса ишга жиддий зарар келтиради ва бундай практикани қатъиян ўзгартириш зарур.

Конференцияда партиявий қатъият билан сўз юритилгани қарорнинг конкрет, амалий бандларини ишлаб чиқишга ёрдам берди.

Завод партия комитетининг секретари этиб Ш. Саидов қайта сайланди.

Конференция ишида Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Ҳожимуротов қатнашди ва сўзга чиқди.

А. ПУКЕМОВ,
Ҳ. ИКРОМОВ.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚИ

«Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун», — Совет ҳокимияти пайдо бўлибдики, инсон ҳақида ўйлайди. Шунинг учун ҳам бу принцип ижтимоий фаолиятимизнинг барча жабҳасига сингиб кетган. Янги уй-жой кодексида ҳам аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашга қаратилган бир қатор афзалликлар мавжуд. Улардан қандай фойдаланиш керак! Кимлар қандай имтиёзларга эга! Квартира ажратишда нималар ҳисобга олинади! Квартира алмаштиришда ва капитал ремонт даврида қандай ҳуқуқлар сақланиб қолади!

Кўплаб оқшомхонлар редакциямизга мактуб йўллашиб ана шу каби саволларга мутахассис жавобини беришимизни илтимос қилганлар. Шу муносабат билан муҳбиримиз оқшомхонларнинг редакцияга йўллаган бир неча саволлари билан Ўзбекистон ССР касаба союзлари республика Советининг штатсиз инспектори, юрист-консультант Абдужалил ҲАСАНОВга мурожаат қилди.

— Оиламиз беш кишидан иборат. Турмуш ўртоғим сил касаллигининг актив формаси билан оғриб шифохонада даволаняпти. Врачлар эрим токи даволаниб бўлгунича бошқа хонада яшаб туриши кераклигини айтишди. Лекин бундай шароит бизда йўқ. Айтингчи, бизнинг оила уй-жой шароитини яхшилашда бирор бир имтиёздан фойдаланиши мумкинми?

Қ. ҚУДРАТОВА,
хизматчи.

— Ҳа, мумкин. Бундай касалликлар рўйхати СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан 1983 йил 28 мартда тасдиқланган. Унга сил касалликларининг актив формаси ҳам киритилган. Уй-жой кодексининг 43-моддаси бу ҳуқуқни ўзида акс эттирган. Демак, сизнинг оилангиз биринчи навбатда уй-жой билан таъминланишидан ташқари, белгиланган нормадан ортиқча турар жой майдони олиш ҳуқуқига ҳам эга.

Шуни ҳам таъкидлаб айтиш керакки, кўрсатилган имтиёздан тўлиқ фойдаланиш учун бетоб кишининг турар-жойи ёки иш жойи, даволаш-профилактика муассасасининг хулосаси олиниши керак.

— Бизнинг оила яшаб турган уй яқинда бузилиши керак. Мутасадди идорадан келган кишидан уйнинг нархи бериладими, деб сўрасам, квартира берилганлиги учун қиймати тўланмайди, деди. Шу тўғрими?

А. САТТОРОВ,
ишчи.

— Йўқ, нотўғри. Қонунга мувофиқ ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уй-жойи бузиладиган гражданлар янги уй-жой билан таъминланади. Бундан ташқари уй-жой эгаларига (уларнинг хоҳишига қараб) бузилаётган уйларнинг қиймати, иморатлар ва қурилмалар қиймати тўланади ёҳуд уларнинг истаги билан мазкур уйлар, иморатлар ва қурилмалардан чиққан материаллардан фойдаланиш ҳуқуқи берилади ёки кооперативлардан навбатсиз квартира олиш имконияти яратилади. (Уй-жой кодекси 151-м.).

— Биз турган квартира яқинда капитал ремонт қилинишини уй-жой эксплуатация ишлаб чиқариш трестидан хабар қилишди. Айтингчи, шу муносабат билан биз қандай ҳуқуқлардан фойдаланамиз? Агар уй-жойни алмаштирмоқчи бўлсакчи?

Ҳ. ҚАЮМОВ,
инженер-техник.

— Турар-жой шароитининг қулай бўлиши йўлларидан бири, яъни уй-жойни капитал ремонт қилиш зарур бўлган тақдирда ҳам капитал ремонт вақтида ижарага олувчи оиласига (унинг хоҳиши билан) тегишли шароитли бошқа турар-жой беради ва ремонт вақти ичидаги турар-жой учун кетадиган тўлов харажати турар-жой эксплуатация ишлаб чиқариш тресги зиммасига юкланади (95-модда).

Агар уй-жойни алмаштиришга тўғри келса ва бундай алмаштириш натижасида ижарага олувчининг уй-жой майдони ҳажми кичиклашиб қолса, турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайди.

— Мен яқинда олий ўқув юртини битириб бошқа шаҳарга ишга юборилдим. Энди оиламни ҳам шу ерга олиб келиш ниятим бор. Бизнинг оила уй-жой билан таъминланиши мумкинми?

А. АҲМЕДОВ.

— СССР Министрлар Совети томонидан «Бошқа жойга ишга юборилгандаги кафолот ва компенсациялар» ҳақидаги 1981 йил 15 июлда эълон қилинган қарорга биноан бошқа жойга ишга юборилганлар ва уларнинг оилалари турар-жой билан ўша ерга борганларида тузилган меҳнат шартномаси шартларига асосан уй-жой билан таъминланадилар.

Сиз ёш мутахассис сифатида турар-жойни навбатсиз олиш ҳуқуқига эгасиз.

Тошкент пиллакашлик фабрикаси меҳнат коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳажмини кўпайтиришда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунда техника назорати бўлимининг бошлиғи М. Рўзимуҳамедова нинг ҳиссаси катта бўляпти. У ишга масъулият билан ёндошиш туфайли ишчилар ўртасида фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашни авж олдирмоқда.

СУРАТДА: техника назорати бўлимининг бошлиғи М. Рўзимуҳамедова.

В. СИРОТКИН
фотоси.

ЎРИНСИЗ БАҲОНАЛАР

ЁКИ НИМА УЧУН ДАВЛАТ ҲИСОБИГА «ЭКСКУРСИЯ»ЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ВА ШАҲАР ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ.

Ўтган йили «Оқшом» газеталарида давлат автомобиль транспортидан бошқа мақсадларда фойдаланаётганлар тўғрисидаги «Давлат ҳисобига «экскурсия»лар рейдматериалини газетхонлар яхши эслайдилар. Унда шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг айрим раҳбарлари ўз идораларига тегишли машиналарда Жиззах ва Сирдарё областлари хўжаликларида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ўғил-қизларини, қариндош уруғларини кўришга бораётганлиги тўғрисидаги фактлар қайд этилган эди.

Бу йилги пахта мавсуми даврида ўтказилган қўшма рейд шуни кўрсатдики, бу ярамас одат ҳамон давом этмоқда — ўнлаб шундай ҳоллар қайд этилди. Шофер ва раҳбарлар ўзларини оқлаш учун шундай важ-карсонларни қалаштириб ташлашмоқдаки, фақат рейд қатнашчиларигагина эмас, балки қоидабузарларнинг ўзларига ҳам ишониш қийин.

Мана, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтига тегишли УАЗ—452 машина шофери **В. Коноплев** Тошкентдан чиққан пайтида ГАИ ходимларига йўл варақаси ва командировка гувоҳномасига биноан Жиззах область Зомин шаҳридаги пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун жўнаб кетаётганлигини айтди. Аммо унинг машинаси Сирдарё областида тўхтатилганда В. Коноплев 1-«а» совхозига боряпман, деб Сирдарё областини Сурхондарё области билан алмаштириб юборди. Аслида машина кузовида юқорида номи қайд этилган институтга мутлақо алоқаси бўлмаган йўловчи ўтирар эди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, В. Коноплевнинг республика географияси бўйича билими анча паст экан.

Республика маҳаллий саноат министрлигига қарашли «Электробитприбор» заводи директори ўринбосари **Б. Тўлаганов** заводга тегишли «НИСА—512» маркали 74—80 ТНЗ номерли машинада кетаётганида рейд қатнашчилари томонидан тўхтатилди. Б. Тўлаганов хўжаликда техникани тиклашда иштирок этаётган заводнинг олти нафар ишчисидан хабар олиш учун Усмон Юсупов номли совхозга кетаётганлигини айтди. Бунинг устига 30 сўм пулига улар учун турли озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олибди...

«Узстроймонтаж» тресги бошқарувчисининг ўринбосари **Виктор Александрович Груна**унинг рейд қатнашчиларига айтишича, Жиззах шаҳридаги қурилиш материаллари комбинатида ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш учун ўзи билан иссиқ кийимлар олиб олганмиш... Бу масалаларни ҳал этиш учун у ўзи билан рафиқаси Р. И. Грунауни ҳам сафарга отлантирди. «Чиллаки чиллакини кўрса чумак урар» деганларидек, шу трестнинг бош инженери **А. А. Мокроусов** ҳам ундан қолишмай, сафарга хотини Л. М. Мокроусовани ҳам олиб олди. Фақат биргина майда иш, бу ҳам бўлса командировка гувоҳномасини ва «РАФ-2203» маркали 41—71 ТНА номерли машинага йўл варақасини расмийлаштириш қолган эди, холос. Трестнинг у ва бу раҳбари ҳам бундай қилмади. Шунинг учун ҳам уларнинг бу тушунтиришлари шубҳа туғдиради.

Тошкент пластмасса фурнитуралари экспериментал заводи директори **И. С. Аҳмаджонов** хизматидаги «ГАЗ—24» маркали 24—21 ТНС номерли машинада Жиззах областининг 22-«а» номерли «Ўзбекистон» совхозига оталиқ ёрдами кўрсатиш учун йўл олди. Аммо машинадаги иссиқ кийимлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари рейд қатнашчиларини ҳайратда қолдирди. Энг ҳайратлиси шундаки, И. С. Аҳмаджонов қараса, бир ўзи оталиқ ёрдами кўрсатишга кучи етмайди. Шунинг учун хотинини ҳам ўзи билан бирга олиб олди. Қаранг катта ёрдам-а...

Тушунтиришдаги бундай чалкашликлар автохўжаликларда шоферларнинг ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилишига панжа орасидан қаралади, уларни линияда бўш назорат қиладилар, деган фикрни туғдиради кишида. Ҳолбуки, айниқса ҳозир «оқ олтин» катта хирмонини уйиш учун кураш кетаётган бир пайтда, илиқ-иссиқ кунлар ғанимат дамларда ҳар бир теримчидан катта хирмонга ўз ҳиссасини қўшиш талаб этилади. Биророта енгил автомобиль чапга юриб, бир литр бензинни ортиқча ёқиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Бу мутлақо давлат манфаатига зиддир.

Ўтказилган рейд мобайнида йўл варақалари ёки командировка гувоҳномалари нотўғри расмийлаштирилган, ҳатто бундай ҳужжатлари йўқ кўплаб автомобиллар қайд этилди. УАЗ—469 маркали 39—96 ТНА **(«Союзвзривпром»нинг Тошкент қурилиш бошқармаси,** бошлиқ К. Йўлдошев кетаётганда), ИЖ—2715—01 маркали 49—73, **(Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министрлиги республика ветеринария лабораторияси,** директор М. Қобулов кетаётганда), УАЗ—469 маркали 22—63 ТНА (бошлиқ **В. Никулин** кетаётганда), УАЗ—452 маркали 36—91 ТНС **(«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси),** УАЗ—469 маркали 75—90 ТНС **(Ўзбекистон ССР Граждан мудофааси ишлари),** УАЗ—452 маркали 26—56 ТНА **(Тошкент кўчма кино бюроси),** ГАЗ—5204-маркали 04—12 ТНХ **(«Средазэлеваторстрой» қурилиш монтаж бошқармаси),** ИЖ—2715 маркали 11—88 ТНЛ **(«Промгражданстрой»нинг 22-махсус механизациялашган кўчма колоннаси),** ИЖ—2715 маркали 88—06 ТНА **(«Узбитавтотранс» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-автобазаси,** мутахассис С. Шуберт кетаётганда), ИЖ—2715 маркали 59—50 ТНА **(Тошкент уйга иш бериш фабрикаси),** ИЖ—2715 маркали 76—28 ТНС **(Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрлигининг 1-қурилиш автомеханизацияси тресги,** техника хавфсизлиги бўйича катта инженер Х. Нигманов кетаётганда), ГАЗ—56 маркали 99—33 ТНА **(143-автомобиль корхонаси),** ГАЗ—24 маркали 55—21 ТНА **(«Узавтострой» КПТСи),** ГАЗ—24 маркали 52—01 ТНА **(автомобиль транспорти министрлигининг 2-автокомбинати),** ИЖ—2715 маркали 50—00 ТНЛ **(Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти),** ГАЗ—24 маркали 21—91 ТНС **(ТошДУ),** ИЖ—2715 маркали 29—36 ТНЛ **(Ўзбекистон ССР уй-жой коммунал хўжалиги министрлиги,** трест бошлиғи ўринбосари Э. Саидов кетаётганда), М—2140 маркали 25—63 ТНА **(кар-соқовлар жамиятининг 3-ўқув ишлаб чиқариш комбинати,** ишлаб чиқариш корхонаси директори Х. Носирхонов кетаётганда), ИЖ—2715 маркали 24—65 ТНЛ **(«Узмясомолпром»нинг Тошкент музлатиш комбинати),** ВАЗ—2101 маркали 91—96 ТНЖ **(Ирригация» трестининг механизация бошқармаси),** М—2140 маркали 57—81 ТНМ **(2-пойафзал фабрикаси)** машиналари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Айрим раҳбарларнинг ўз шахсий манфаатларини давлатникидан устун қўйиб, айни пахта йиғим-терим пайтида зарур бўлмиш давлат машиналаридан фойдаланишаётганликлари ғоят таажжублидир. Уларнинг қўл остидаги шоферлар тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Табиийки, катта арава қаёққа юмаласа, кичкинаси ҳам ортидан эргашганидек, улар ҳам ўз раҳбарларидан «ўрнак» олишлари аниқ. Агар қариндош-уруғ ёки ўғил-қизни кўриш шунчалик зарур экан, марҳамат қилиб, шахсий ва жамоатчилик транспортларидан фойдаланаверинг.

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари ва шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг қўшма рейди.

„Тошкент оқшоми"да босилгандан кейин

«ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ»

Шу йилнинг 18 июль сонида газетада юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола давлат эълон қилиниб, унда давлат автомобиль транспортидан бошқа мақсадларда фойдаланаётганлар танқид қилинган эди.

Редакция шу мақола юзасидан бир нечта жавоб олди. «Главташпассавтотранс» бошлиғи М. Алиевнинг хабар қилишича, рейд материали Бош бошқарманинг автомобиль корхоналари шофёрлари ва инженер-техник ходимлари ўртасида кўриб чиқилган. Мақолада келтирилган фактлар ҳақиқатан ҳам тўғри. Ҳаракат хавфсизлиги инженерлари томонидан назорат кучайтирилди, оператив группалар томонидан қоидабузарларни аниқлаш бўйича кўчма постлар ташкил этилди. Уларнинг таркибига ҳаракат хавфсизлиги хизмати инженерлари ва шаҳар давлат автомобиль инспекцияси ходимлари киритилган. Бундан ташқари Бош бошқарманинг ҳаракат хавфсизлиги бўлими тунги пайтларда гаражларда махсус ва идорага қарашли енгил автомобилларнинг сақланишини текширишни ташкил этди. Қоидабузарларга энг қатъий маъмурий чоралар кўрилади.

***

2512-автоколонна бошлиғи Д. С. Хожибеков редакцияга йўллаган хатида шундай хабар қилади:

«Қилмиш-қидирмиш» рейд материали мастерлар, бўлим бошлиқлари, автомобиль отрядлари шофёрлари иштирокидаги коллективнинг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилди.

«ЗИЛ-130» маркали 15-39 ТНТ номерли машина ҳайдовчиси А. Боймуҳамедовнинг қилмиши ҳаракат хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назорати комиссиясининг йиғилишида муҳокама қилинди. Шахсий манфаати учун давлат автомобилидан фойдаланган шофер А. Боймуҳамедовга виговор эълон қилинди. Унинг маошидан кетган вақт ва бензиндан қонунсиз фойдалангани учун 13 сўм 21 тийин ушлаб қолинди.

«ҲОЖАТБАРОРЛАР»

Газетанинг шу йил 12 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилиниб, унда давлат автомобиль транспортидан шахсий манфаати йўлида фойдаланаётган айрим кишилар танқид қилинган эди.

Редакция Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўринбосари Д. Асадовдан жавоб олди. Унда шундай дейилади:

«Мақола Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги автобазаларининг шофёрлари умумий йиғилишида муҳокама қилинди.

Автомобилдан фойдаланиш ва эксплуатация қилиш қоидаларини бузиб, шахсий манфаати йўлида фойдаланган автобаза шофёрлари А. Саидов, Б. Рябчун, А. Қулматов ва А. Убулов автобаза буйруғига биноан ҳар бири уч ойлик муддат билан қуйи вазифага ўтказилди. Ҳайдовчи Ю. Кривов ишдан бўшатилди. Санитарь автомобиль транспортидан фойдаланишни етарли назорат қилмаганлиги учун автоколонна бошлиқлари С. Тўлаганов, Ф. Абраменков, Р. Пирматов, К. Азимбоев автобаза ишлаб чиқариш йиғилишларида қаттиқ огоҳлантирилдилар».

«ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАНЛАР»

Газетанинг 1985 йил 10 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий материал эълон қилиниб, унда транспорт воситаларини маст ҳолда бошқараётган айрим шахслар тўғрисида гапирилган эди.

Редакция «Ташгорпрокатразнобит» директори ўринбосари Н. Батмановдан жавоб олди. Унда айтилишича, ташкилот ходими К. Попадопулоснинг шахсий автомобилини маст ҳолда бошқарганлиги прокатлар участкаси коллективи йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилиш қарорига биноан К. Попадопулосга виговор эълон қилинди.

• САҲНА УСТАЛАРИ

САНЪАТКОР САОДАТИ

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Галия Измайлованинг номи мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари қаторида тилга олиниши бежиз эмас. Ўзбек санъатини ҳам Галия Измайлова яратган рақсларсиз тасаввур қилиш қийин. Санъаткор ўзининг ижодий фаолияти давомида ўзбек рақс санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Ўнлаб хорижий мамлакатларда бу санъатни тарғиб қилиб, кўплаб чет эл халқлари рақсларини ўзбек саҳнасига олиб чиқиш учун жонбозлик кўрсатди. Г. Измайлованинг кўп йиллик самарали хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Таниқли санъаткор икки марта Ленин ордени билан мукофотланган. «Тошкент оқшоми» мухбири Г. Измайлованинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан у билан учрашиб суҳбатлашди.

— Ҳурматли Галия опа! Энг аввал кўп сонли оқшомхонлар номидан 60 йиллик қутлуғ юбилейингиз билан чин дилдан табриклаймиз.

— Раҳмат. Гарчи хотин-қизлар йиллар, ёш ҳақида гапиришни унча ҳушламаса ҳам мен барибир ўтган йилларимга ачинмайман. Аввалам бор санъатнинг қадрига етган, хизматларимни юксак баҳолаган партия ва ҳукуматимиздан миннатдорман. Серқуёш республикамиз камоли менинг кўнглимга ҳам фахр туйғуларини жўш урдиради. Мен Ўзбекистон билан деярли тенгдошман. Республика босиб ўтган сермазмун йўлни мен ўз кўзим билан кўрдим. Ушбу диёрнинг санъат нафосати, айниқса рақс санъати ҳақида гапиришим қийин. Ўзбек рақсларида қадимиятдан тортиб то ҳозирги кунга қадар бўлган илтижою сетинг, бахту шодмонлик мужассам. Ушбу санъатга умримни сарф этиб мен ажиб бир дунё яратдим. Шунинг учун нима бўлганда ҳам ўтган йилларимга мамнунман. Зеро, юрагини, имону саботини ўз касбига, жамиятининг тараққиётига сарфлаган ҳар бир киши хизматлари самарасидан фахрланиш туйғусини яхши тушунади.

— Ижодий фаолиятингизнинг дастлабки йиллари билан кўплар қизиқади. У қандай бошланган?

— Дастлаб Тошкент балет мактабида, сўнгра А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетида таҳсил кўргандан сўнг кўнглимда ўз маҳоратимни амалда синовдан ўтказишдек бир табиий эҳтиёж туғилди. Табиийлигки шундаки, санъаткор бўлгандан кейин киши ўз санъатини одамларга бахш этаётгани билиши ҳам керак. Жиддий муваффақиятлар эса 1941 йилда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида узоқ давом этган сермашаққат репетициялардан сўнг «ташриф» буюрди. Менга кўпгина масъулиятли ролларни топшира бошлашди. Китри (Л. Минкус. «Дон Кихот»), Одетта-Одиллия (П. Чайковский, «Оққуш кўли»), Жизель (А. Адан, «Жизель»), Эсмеральда (Пуни, «Эсмеральда») сингари ролларни амалда ижро этиш менга кўп нарса берди. Бу роллар ҳақида, улардаги камчилик ва муваффақиятлар ҳақидаги энг самимий фикрларни томошабинлар, ҳамкасбларим айтишди. Мақтанчоқлик эмас, дастлабки чиқишларимни томошабинлар, ҳамиша илиқ кутиб олишар эди. Бу эса менда фақат масъулият туйғусини оширарди. Шунинг учун қолган бутун йилларим, умрим фақат меҳнат ва яна меҳнат қилиш билан ўтди. Санъатимдан қувонган ҳар бир киши-

СУРАТДА: устоз ва шогирд янги рақс яратмоқда.

нинг ҳайриҳоҳ табассуми мени фақат яхшироқ ишлашга ва иложи борича яхшироқ санъаткор бўлишга ундаб келди.

— Сиз кўплаб хорижий мамлакатларда бўлгансиз. Тамассуротингиз, ўша гастролларнинг санъаткор ижодидаги роли ҳақида нималар айта оласиз?

— Ҳар қандай сафар, ҳар қандай жаҳонгашталик фақатгина санъаткорнингина эмас, балки оддий одамнинг ҳам тасаввурини ҳам бойитиши сир эмас. Мен қирқдан ортиқ чет эл мамлакатларида бўлганман. Америка, Франция, Ҳиндистон, Япония сингари мамлакатларда ўзбек санъатини бор гўзаллиги ва нафосати билан намойиш этганмиз. Шу ўринда ўзбек санъатининг жаҳоншумул аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Биз қаерга бормасак санъатимиз кучли олқишлар, юксак инсоний хайрихоҳликлар билан қарши олинган. Ўша гастроллар давомида санъатнинг қудратли кучига яна бир маротаба ишонч ҳосил қилганмиз. Дунёдаги тинчликни, инсоният осойишталигини ракеталар, бомбалар билан эмас, санъат, гўзаллик, инсонийлик билан асраб қолиш керак.

— Бундай ўйлаб қарасак 60 йил ҳазилакам гап эмас. Айни шу дақиқаларда кўнглингиздан нималар кечяпти.

— Энг биринчиси: инсоният бошига ҳеч қачон кулфат тушмасин! Дунёда тинчлик, осойишталик, осмонимиз эса ҳамиша тиниқ, мусаффо бўлсин! Яна бир ниятим: санъаткорларимиз ўз масъулиятини асло унутмасинлар. Чунки бугунги кунда бизнинг ҳар бир қўшиғимиз, куй рақсимиз жамият, элюрт ишига, тинчлик инсонлар бахтига хизмат қилмоғи керак. Бутун совет халқи КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётган ҳозирги кунларда бизнинг аксисадосиз туришимиз мумкин эмас. Айни кунларда КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ҳамма жойда, ишхоналарда, мактаб ва олий ўқув юртларида ана шу инсонийлик программаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Яхши сўзлар, яхши ниятлар айтилмоқда. Шундай долзарб кунларда санъатнинг тарбиявий кучини янада кучайтириш, уни истиқболи порлоқ шу жамиятимизнинг тараққиётига, кишиларимиз бахт-саодатини яхшилашга йўналтириш каттаюкичик санъаткорнинг юксак бурчидир.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

УЛАН-БАТОР. МХРдаги 70 дан зиёд саноат корхонаси ва хўжалик ташкилотлари йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этди, 30 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи «Беш йиллик зарбдори» номига сазовор бўлди.

Монголия корхоналарининг илғор коллективлари, деб хабар қилади Монголия матбуоти, «Юксак меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифати учун» шиори остида зарбдор меҳнат вахтасида туриб, МХРнинг бўлажак XXI съездини муносиб кутиб олишга тайёрдирлар. «Эрдэнэт» кон-бойитиш комбинати меҳнаткашларининг ўзи 103 миллион тугриклик пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқардилар.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҲАФТАЛИГИ

ЛИССАБОН «Ядровий қуролланиш пойгаси тўхтатилсин», «Космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олди олинсин!» «Ялпи қирғин қуролининг янги турларини ишлаб чиқариш тўхтатилсин!» — ана шундай шиорлар остида Португалияда БМТнинг ташаббуси билан қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги бошланди.

Мамлакатда урушга қарши турли ташкилотларнинг вакилларидан иборат машҳур сиёсат ва жамоат арбобларидан катта бир группаси планетадаги барча тинчлик тарафдорларига мурожаат қилиб, телбаларча ядровий қуролланиш пойгасига қарши, ажал уруғини сочувчи қуроласлаҳаларни қисқартириш юзасидан дарҳол музокаралар бошланиши учун курашда куч-ғайратларни жипслаштиришга даъват этди.

Ҳафталик давомида бутун мамлакатда тинчлик учун кураш мавзуига бағишланган митинглар, йиғилишлар, коллоквиумлар ўтказилади.

ИҒВОГАРЛИК МАҚСАДИДА

МАНАГУА. Никарагуа ҳукумати шу мамлакатнинг армия бўлимлари ва марказий разведка бошқармаси ёллаган 2,5 минг қуролли сотқин республиканинг шимолий чегараси яқинига хатарли равишда тўпланганлигига қарши Гондурас маъмурларига яна норозилик билдирди. Милитаристик руҳдаги ана шу хуруж, дейилади Никарагуа ташқи ишлар министрлигининг баёнотида, иғвогарлик мақсадида чегарада ҳарбий можаро чиқариш ва бу билан АҚШнинг Никарагуа халқига қарши агрессиясини кучайтириш учун сохта баҳона топиш мақсадини кўзда тутади.

Мост — Чехословакиянинг энг ёш шаҳри ҳисобланади. Унда 60 мингдан зиёд киши истиқомат қиляпти.
СУРАТДА: янги шаҳардаги темир йўл вокзали.
ЧТК — ТАСС фотоси.

Қамал холати жорий этилди

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина ҳукумати сиёсий зўравонлик тўлқини кучайиб бораётганлиги сабабли бутун мамлакатда 60 кун муддат қамал ҳолати жорий этилганлигини эълон қилди. Республика ички ишлар министри Антонио Трокколи хабар қилганидек, шу билан бирга миллий конгресс депутатлари палатасига ва маъмурият маҳаллий органларига 3 ноябрда қисман ўтказиладиган сайловга тайёргарлик доирасида митинг ва йиғилишлар ўтказишга рухсат берилади, сўз эркинлиги гарантияланади.

Бундан бир неча кун илгари мамлакат президенти Раул Альфонсин Аргентинадаги вазиятни беқарор қилиш мақсадида қўпорувчилик ишларини олиб боришда айбланган кишилардан бир группасини қамоққа олиш тўғрисида декрет чиқарган эди. Экстремист унсурлар Буэнос-айресда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бомбалар портлатиб, таниқли сиёсий арбобларга сизлардан ўч оламиз, деган дўқпўписа сўзлари ёзилган имзосиз хатлар юборишди. Буларнинг ҳаммаси асабийлик, сиёсий ишончсизлик вазиятини имконият яратиб, Аргентинани мудҳиш ҳарбий диктатура замонларига қайтаришни орзу қилаётган реакционерларнинг вазифаларига мос бўлиб тушади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахти ва шаҳарларида корхоналар ва муассасалар ишни тўхтатди, телеграф ва телефон алоқаси узилди, радиостанциялар тиниб қолди, маршрут автобуслари ва юк машиналари юрмади, гимназиялар ва олий мактабларда машғулотлар ўтказилмади. Дания касаба союзлари марказий бирлашмасининг, мамлакатдаги бир қанча сиёсий партиялар ва урушга қарши ташкилотларнинг даъватига биноан миллион нафарга яқин даниялик тинчлик ва қуролсизланишни қўллаб-қувватлаб, қисқа муддатли забастовка ўтказди. Забастовка «Самовий урушлар бўлмасин», «Европа шимоли ядросиз зона бўлсин» деган шиорлар остида ўтди.

Бу намойиш билан Дания меҳнаткашлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлари инсониятни даҳшатли фалокат ёқасига келтириб қўйиши мумкин бўлган қуролланиш пойгасининг давом этаётганлигига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

***

АММОН. Ғазо шаҳридаги Исроил ҳарбий трибунали фаластинлик уч йигитни узоқ муддат билан турмага ҳукм қилди. Улар сионистлар босиб олган араб ерлари озод этилишини маҳаллий маъмурлардан талаб қилганликлари учун «қўпорувчилик фаолияти билан шуғулланган» деган бир қолипдаги айб билан қамоққа ташланган эдилар.

***

ВАРШАВА. Забжедаги «Мера-эльзаб» электрон-ҳисоблаш аппаратлари заводи «Компан-8» деб аталган ва Польшада янги бўлган микрокомпьютер ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. ЭҲМ саноат корхоналарида, илмий-тадқиқот муассасаларида, шунингдек медицинада кенг қўлланилади. Масалан, медицинада у турли касалликларни аниқлашда ишлатиладиган бўлади.

«Мера-эльзаб» заводи социалистик мамлакатлардаги кўпгина турдош корхоналар билан, жумладан, Киевдаги В. И. Ленин номли «Электронмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

ТЕЖАМЛИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР

ПРАГА. ЧССР мутахассислари ишлаётган лойиҳа Трнава шаҳрини иссиқлик билан таъминлаш учун Ярловскебогунице шаҳарчасидаги атом электр станциясидан фойдаланишни кўзда тутади. Буғ генераторларининг илгари ишлатилмаган керакси иссиқлиги 22 километр узунликдаги қувур орқали юборилади.

Яқин йилларда бу электр станция ғарбий Словакия областидаги бошқа шаҳарларни ҳам иссиқлик билан таъминлаб турадиган бўлади.

Мана шу лойиҳани амалга ошириш ЧССР ҳукуматининг ёқилғи ресурсларини тежаш, барча энергетика объектлари иш самарадорлигини ошириш программасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Чехословакиялик мутахассислар электр энергиясини ҳосил қилишда ёқилғи сарфини камайтириш устида мунтазам иш олиб бормоқдалар. Бу нарса қорамтир кўмир ёқиб ишлайдиган иссиқлик электр станцияларининг эксплуатация кўрсаткичларини яхшилашга имкон беради. ЧССР энергетиклари беш йилликнинг шу якунловчи йилида бир киловатт соат электр энергиясини ҳосил қилишга кўмир сарфини 375 граммгача камайтириш мажбуриятини зиммаларига олдилар. Бу бултургидан уч ярим грамм озлиги эътиборга сазовордир. Беш йилликда умуман мамлакат бўйича 2,5 миллион тоннага яқин шартли ёқилғи тежалади.

ТЕРРОР ВА ЗЎРАВОНЛИК

БАЙРУТ, Жанубий Ливан тинч аҳолисига қарши террор ва зўравонликлар бирон кун ҳам тўхтамаётир. Исроиллик босқинчилар Арун ва Яхмор қишлоқларида навбатдаги жазо операциясини ўтказдилар. Хонадонлар тинтув қилиб чиқилди. Таллус, Банихиян ва Маркаба қишлоқларида кишилар қамоққа олинди.

Исроилликлар ва уларнинг қўғирчоқ лахад режими отрядларига мансуб гумаштаси Кфар-Румман, Хаббуш, Кфар-Тебнит, Жаржуа аҳоли пунктларини ва Нобатия шаҳрини тўплар ва оғир пулемётлардан яна ўққа тутдилар.

Тель-Авив халқаро ҳамжамиятга даъдаға қилиб, сотқин тўдаларни БМТнинг Ливандаги муваққат кучларига гиж-гижламоқда. Исроилнинг гумаштаси Маржеаюн районида турган «Занговри каскалар» (БМТ аскарлари) постига ҳужум қилдилар.

ҚАҲҚОНИЙ ЖАЗО БЕРИЛСИН

БОНН. Нацизм даврида таъқиб этилган кишилар уюшмаси — ГФР антифашистлари иттифоқи немис меҳнаткашларининг йўлбошчиси Эрнст Тельманнинг қотили Вольфган Оттога ҳаққоний жазо беришни Ғарбий Германия ҳукуматидан талаб этди. 5 ноябрда Кревфельдда собиқ СС штабсшарфюрери устидан суд бошланиши муносабати билан иттифоқнинг бу ерда тарқатилган баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: «Вольфганг Отто ўзини хавф-хатарсиз ҳис этмоқда. ГФРда собиқ нацистлар ҳеч нарсадан қўрқмаслиги мумкинлигини ёрқин тасдиқловчи далил бўлди. — Юстиция органлари ҳамиша уларни қўллаб-қувватлайди.»

Ғарбий Германияда антифашистлар собиқ гитлерчи жиноятчиларга ёрдам бериш тўхтатилсин, деб ГФР ҳукуматидан талаб қилдилар.

ИРҚЧИЛАР РЕЖИМИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

ХАРАРЕ. Жанубий Африка Республикасининг ирқчи маъмурлари Кейп таунда ва унинг атрофидаги етти маъмурий районда фавқулодда ҳолат жорий қилдилар. Бу ерларда манфур апартеид режимига қарши оммавий норозилик ҳаракати ғоят кучайиб, халқ кўзғалони тусини олди. Бундан уч ой илгари Жанубий Африканинг бошқа 36 та маъмурий районида ҳарбий ҳолат жорий этилган эди. Кейп-таун районида бирлашган демократик фронтнинг 85 арбоби қамоққа олинганлиги эълон қилинганидан кейин яна ваҳимёна тадбирлар амалга оширила бошланди. Кейинги 12 кун ичида Жанубий Африкада, асосан Кейптауннинг атрофларида камида 30 киши ирқчилар режимининг қурбони бўлди.

КАТТА ТЎҚНАШУВ

ПАРИЖ. Франциянинг денгиз нариги ёғидаги территориялари янги Каледонияда вазият яна кескинлашди. Франс-пресс агентлигининг хабар беришича, шу кечаси европаликлар билан мамлакатнинг туб аҳолиси вакиллари-канаклар ўртасида катта тўқнашувлар бўлган. Европаликларнинг ўта ўнг гуруҳлари иғвогарлик мақсадида ана шу тўқнашувларни уюштирган. Европалик газандаларнинг отрядлари Нумеа марказида канакларга ҳужум қилиб, мустақиллик тарафдорлари газетасининг редакциясини алғов-далғов қилишга уриндилар. Неча ўнлаб кишн жароҳатланган.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда.

● Иккинчи тахтада вазият кескинлашган. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

● 43-юриш қандай бўлиши керак!

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчининг иккинчи тахтасида юриш навбати олмаоталикларда эди. Бир ҳафталик муҳлат тугади ва олмаоталиклар ҳамшаҳарларимизнинг 42g7—Ф:f8+ юришига Крd7 юриши билан жавоб беришди.

Сиртқи шахмат матчи иштирокчилари ва мухлислар! Кўриниб турибдики, иккинчи тахтада вазият ниҳоятда кескинлашган. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал этиши мумкин.

Ҳурматли шахмат мухлислари! Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги 43-юриш қандай бўлиши керак? Шу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Энг мақбул юришни таклиф этган газетхонларнинг исм ва фамилиялари газетада эълон қилинади.

Биров сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлисларга иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз.

1. d4 5. 2. c4 dc 3. Kf3 Kf6. 4. e3 Cg4. 5. C:c4 e6. 6. h3 Ch5. 7. Kc3 a6. 8. g4 Cg6. 9. Ke5 a3 Kb6. 13. Ca2 Фd7. 14. Cd2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Крb1 Кас4. 17. Cc1 Крb8. 18. e4 Фc6. 19. Лd3 f6. 20. h4 Ce7. 21. h5 g5. 22. Лhd1 Лd7. 23. Фe2 a5. Kfd7. 10. K:g6hg.11. Фf3 Кc6 12. 24. d5 ed. 25. Л:d7 K:d5 26. Л:d5 Кb6. 27 Л:d7 K:d7. 28. Cd5 Фb6. 29. C:b7 Ke5. 30. Cd5 c6 31. Ce3 Cc5 32. C:c5 Ф:c5 33. Фa6 Крc7.



34. Ce6 Лd7 35. Л:d8 Кр:d8. 36. Кра2 Крe7. 37. Cb3 Ф:f2. 38. Фb7 Крd6. 39. Фb8 Крd7. 40. Фg8 Ф:f1. 41. Фg7 Крd7— Крd6. 42. Ф:f8 Крd7.

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ТУРНИР МАРРАГА ЕТДИ

Халқаро шашка бўйича аёллар ўртасида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун «Тошкент тонги — 85» бутуниттифоқ турнири ниҳоясига етди. Турнирда ўн уч имконнятдан саккиз очко жамғарган ленинградлик Елена Мартьянова биринчи ўринни эгаллади. Мусобақани фақат бу спортчигина мағлубиятсиз ўтказди. Баҳслашувнинг беш иштирокчиси бирваракайига ундан ярим очко ортда қолди. Улар — В. Савельева (Тошкент), Н. Янковская (Киев), З. Садовская (Минск), М. Моржаедова (Нижний Тагил) ва А. Хоруженко (Харьков). Коэффициент жадвалига кўра улар шундай тартибда ўрин олишди. Спорт мастерлигига номзодлар В. Савельева ва Т. Моржаедова бу мусобақада мастерлик талабини бажаришди.

Улардан кейинги ўринларни О. Аҳмедова, Т. Тетерина ва минсклик О. Садовская эгаллашди. Уфалик П. Огородникова ҳам улардан ярим очко ортда қолди. Киевлик Ольга Беляева эса 6 очко тўплаб ундан кейинги ўринда жойлашди. Натижалар турнир иштирокчилари составининг кучли эканлигини таъкидламоқда. Қолган ўринлар қуйидагича тартибда бўлди: З. Увачан (Рига) — 5 очко, Г. Норбекова (Чирчиқ) —4,5 очко, Л. Петрова (Ленинград) —2,5 очко.

«Искра» кинотеатрида бўлиб ўтган турнирнинг тантанали якунланиш маросимида энг яхши натижаларни қўлга киритган шашкачиларга «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совринлари топширилди.

СПОРТ КУНДАЛИГИ

КАМОНДАН ЎҚ УЗИШ

Андижонда VIII мактаб ўқувчиларининг спартакиада программаси бўйича камондан ўқ узиш мусобақалари ниҳоясига етди. Умумкоманда ҳисобида республикамиз пойтахтининг 14-болалар мактаби ёш камончилари биринчи ўринни эгаллашди.

***

Украинанинг Ужгород шаҳрида камондан ўқ узиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Бу турнирда тошкентлик Ирина Конова муваффақиятли қатнашди. Ҳамшаҳримиз илк марта СССР спорт мастери талабини бажарди.

ШАШКА

Самарқандда рус шашкаси бўйича эркаклар ўртасида бутуниттифоқ турнири якунланди. Ўзбекистон вакили Маркел Фозилов 15 имконнятдан 11 очко жамғариб бу турнирнинг ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни ундан ярим очко ортда қолган кишинёвлик Иван Дошка эгаллади. Учинчи ва тўртинчи ўринларни Михаил Киселев ва боку лик Виталий Гаприлиянцларга насиб этди.

БИЗНИНГ ЛАУРЕАТЛАР

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

«Тошкент тонги — 85» турнири ғолиби ленинградлик Елена Мартьянова билан мен илк бор рус ва халқаро шашка бўйича СССР Кубоги учун Харьковда ўтказилган мусобақада танишган эдим. Ўшанда спорт мастерлигига номзод бўлган 16 ёшли Елена шундай масъулиятли мусобақада яхши ўйин кўрсатиб, мутахассислар ва мухлислар таҳсинига сазовор бўлган эди. Бир йилдан кейин у она юртида ўтказилган СССР чемпионатида мастерлик талабини бажарди. Ўшандан буён унинг спортдаги ютуқлари кўпайиб, маҳорати ортмоқда. Бу йил Елена мамлакатимиз Кубоги ва Россия чемпионати ғолиби бўлди. Сўнг у Минскда ўтказилган СССР Кубоги мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган армия коллективи сафида қатнашди. Шундан кейингина Елена-нинг бутуниттифоқ «Тошкент тонги —85» турнирида иштирок этиш масаласи ҳал этилди.

Турнирни у тўрт дуранг билан бошлади. Кейин эса икки ғалабага эришди ва яна олти марта рақиблари билан битимга имзо чекди. Ҳаммаси сўнгги тур олдидан Еленанинг икки марта мамлакат вице-чемпиони, халқаро классдаги мастер минсклик Зоя Садовская билан бўлган баҳсда ҳал бўлди. Мураккаб ҳамда кескин кураш остида ўтган беллашув қарийб олти соат давом этди ва ленинградлик спортчининг ғалабаси билан якунланди. Бу ютуқ туфайли у «Тошкент тонги—85» турнирининг ғолиби бўлди, «Тошкент оқшоми» ҳамда «Вечерний Ташкент» газеталари таъсис этган бош соврин билан мукофотланди. Биз ундан турнир ҳақидаги, таассуротлари билан ўртоқлашишини илтимос қилдик.

— Тошкентда биринчи марта бўлишим. Тўғри, шаҳар ҳақида жуда кўп эшитганман. Аммо ҳақиқатан ҳам юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши экан. Гўзал шаҳар, ажойиб меҳмондўст кишилар. Турнир муваффақиятли ўтказилди. Оҳирини айтишим керак, спортчилар учун бундай шароит яратилган мусобақаларни ҳали учратмагандим. Округ офицерлар уйидаги аъло даражадаги ўйин зали, дўстона муҳит буларнинг ҳаммаси менинг ғалабага эришишимда муҳим омил бўлди. Катта раҳмат! Келгуси йили Ўзбекистон пойтахтига яна келишни жуда истайман.

Б. КАНИШЧИКЕР,
халқаро классдаги судья.

СУРАТДА: «Тошкент тонги — 85» турнири ғолиби ленинградлик спорт мастери Елена Мартьянова.
Е. Ботиров фотоси.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

1 НОЯБРЬ, 1985 й.

КУЗНИНГ ИНЖИҚ ҲАВОСИ

Эрталаб ҳаво салқин, кундузи эса киши исиб кетади. Бундай пайтда болаларни қандай кийинтириш керак? Кузнинг бундай инжиқ ҳавоси учун шим, ип газламадан тикилган блузка, свитер ёки трикотаж кофта ўғил болаларга муносиб бўлади, иссиқ, чиройли жун рўмол, жун трикотаждан тикилган костюм қиз болаларга ярашиб туради.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» чакана-савдо фирмаси куз фаслига мўлжалланган болалар тикув ва трикотаж буюмларини харидорлар диққатига ҳавола қилмоқда.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (ТЕЛЕФОН 42-56-40).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (ТЕЛЕФОН 45-37-28).

Тошкент Давлат циркида

«КУЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ»

Москва цирки масхарабозлари, Гавана ва Парижда ўтказилган цирк артистлари халқаро конкурсларининг нишондорлари

ЮРИЙ ЗВЕЗДОЧЕТОВ ва ИВАН ФЕДОРОВ

ижросида масхарабозликлар, репризлар, интермедиялар ижро этилади.

ТОМОШАЛАР соат 19.30 да; шанба кунлари соат 16, 19.00 да; якшанба кунлари соат 13, 16, 19.00 да бошланади.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУЗГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА томошалар — 2, 3, 4, 5-ноябрьда соат 10, 13, 16, 19.00 да; 6 ноябрда соат 10, 13, 16,00 да; 7 ноябрда соат 13, 16, 19.00 да; 8, 9 ноябрда—соат 10, 13, 16, 19.00 да; 10 ноябрда — соат 10, 13, 16, 19.30 да бошланади.

КАССА ҲАР КУНИ СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

44-35-84, 44-35-91 телефонлари орқали справкалар олиш мумкин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 16.00 ва 20.00 ДА

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди олдидан

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК»

АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ

Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУХАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Бадиий сўз устаси

ХАСАН ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ, ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ.

Солистлар: МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВА, БАХТИЁР ХОЛХЎЖАЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚОДИР МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлар дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1985-1986 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатганлар, ёши 34 дан ошмаган, зарурий меҳнат стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, Совет Армияси сафидан бўшаб келган ёшлар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа, геология-қидирув ва топография-геодезия ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсиянома-йўлланма камида бир йил иш стажига эга бўлганларгагина берилади. Ишчи вазифасидаги амалий иш стажи шу корхонада охирги йили узлуксиз бир йил бўлиши лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди. Ўқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

Тайёрлов бўлими қуйидаги факультетлар бўйича тингловчилар қабул қилади: математика, амалий математика, механика, физика, геология, география (қуруқлик гидрологияси) тарих, ҳуқуқшунослик (камида 2 йил иш стажи билан), ўзбек тили ва адабиёти, журналистика, химия, биология, шарқ филологияси, роман-герман филологияси.

ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛМАГАНЛАР ВА ЎРТА МАКТАБНИ 1985 ЙИЛИ БИТИРГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (086) форма), 3 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат (танланган ихтисосга қараб) 2 ёки 3 фандан 11 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилар мандат комиссиясидан 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар университет кундузги бўлимининг 1 курсига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ҳар ойда 40 сўм стипендия билан, эҳтиёжи бўлганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, биология факультети, 1-қават, 102-хона.

ҚЎШИҚ АЙТИБ РАҚСГА ТУШАМИЗ

БОЛАЛАР БАЙРАМЛАРИНИ ЧИНАКАМ ФАЙЗЛИ ВА ҚУВНОҚ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТКАЗИБ БЕРИШДА «НАВРЎЗ» МАРОСИМЛАР ХИЗМАТИ БЮРОСИ ХОДИМЛАРИ ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРАДИЛАР

БОЛАЛАР БАЙРАМДА ЭРТАКЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ, ҚУВНОҚ МУЗИКАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШАДИЛАР, УЛАРГА СОВҒАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

БУНДАЙ БАЙРАМЛАРНИ УТКАЗИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ШАХСИЙ КИШИЛАРДАН ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ ВА МАКТАБ ТАШКИЛОТЛАРИДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Халқлар дўстлиги проспекти, 8-А уй. Метронинг «Комсомол» станцияси (9 қаватли уй олдида.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ХОНАДОНИНГИЗ ФАЙЗИ

ЭШИК ДЕРАЗАЛАРГА ДАРПАРДАЛАР ОСИЛГАН БЎЛСА, СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗ ҚАНЧАЛИК ФАЙЗЛИ БЎЛГАНЛИГИНИ ЯҚҚОЛ ТАСАВВУР ЭТАСИЗ. СИЗНИНГ МЕБЕЛЛАРИНГИЗ ҚАНЧАЛИК ЧИРОЙЛИ БЎЛМАСИН, УЛАР ҚАНЧАЛИК ЎРИНЛИ ЖОЙЛАШМАСИН, ДЕРАЗАЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ БЕЗАКЛАРСИЗ ХОНАДОНИНГИЗНИ ФАЙЗЛИ ҚИЛА ОЛМАЙМИЗ.

Ҳозирги замона модаси ана шу безакларга ҳам ўринли эътибор бермоқда. Дарпардалар ўзининг ранги, гули ва фасони туфайли оммалашиб бормоқда: улар эндиликда деразаларга осилар экан, чеккаси ҳошияли, узун ва кенг бўлиб пастга тушиб туриши керак. Карнизлар остида, шипда, ҳошияни дарпардаги бириктириб боғлаш ўзига хос чирой очмоқда. У деразани безайди ва карниздаги ҳалқа ва қисқичларни беркитиб туради.

Агарда бутун девор сатҳини дарпардалар билан беркитиладиган бўлса, у дарҳол ўзига хос кўтаринки кайфият ҳосил қилади ва киши диққатини жалб этади.

Зич тўқилган дарпардалар билан ним қоронғулик ҳосил қилиш кишига ҳотиржамлик бахш этади, бундан ташқари деворлардан чиқадиган совуқ шабаданинг йўлини тўсади, шовқинни камайтиради.

Бундай дарпардалар ёрдамида кичкина деразаларни «катталаштириш», баланд деразаларни эса «кенгайтириш», энн кенг деразаларни «бўйига узайтириш» мумкин. Бундай дарпардалар хонада ўзига хос сокинлик муҳайё этади ва ҳар қандай услубда яратилган мебеллар ва бошқа жиҳозлар билан ҳамоҳанг бўлади.

Агар, квартирангиз шовқинли кўчага қараган бўлса, матоси зич тўқилган дарпардалар овознинг йўлини тўсадиган восита бўлиб қолади.

Юпка тўқилган матоли дарпардалар орасидан ўтиб турадиган майин нур кенглигини ҳосил қилади, уларнинг газламаси жиҳозларни атроф-муҳитдан ажратиб қўймайди, балки муштараклик ҳосил қилади.

Матоси майин тўқилган дарпардалар қуёш нурларининг толиқтирувчи нурини майинлаштиради. Бундай дарпардалар орасидан ўтадиган нур бутун хона бўйлаб бир маромда тарқалади, ўзига хос кайфият яратади.

Ранг-баранг тусли дарпардалар ғоятда гўзалдир! Улар хонага ташқаридан келаётган ёруғликни туширмайди, балки ўзига хос жозиба касб ўтади.

Бундай дарпардалар ошхона ёки болалар хонасига ярашиб туради. Газламанинг гулига мослаб тикилган қўшимча безаклар, хатто тўр тўқималар уларнинг чиройини янада очади, ошхона болалар хонасига гўзаллик бахш этади. Шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, дарпардаларнинг ранги девор, мебеллар, чироқлар ранги билан ҳамоҳанг бўлмоғи керак.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН

СИЗ ХОНАЛАР, ОШХОНА, ДАҲЛИЗЛАР УЧУН ДАРПАРДАЛАР

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ

3 — Чехов кўчаси, 4-«а» уй;
8 — Муқимий кўчаси, 23-уй;
10 — Олой бозори;
15 — 2/4 Қорақамиш, 45-«а» уй;
47 — Новомосковская кўчаси, 18-уй;
54 — Луначарский шоссеси (марказ).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТВ

ЖУМА

1 НОЯБРЬ

● МТ I

17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Гўзал Василиса».
18.45 «Фан ва турмуш». Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
19.45 «Инсон ва қонун».
20.15 Халқ куйлари.
20.30 «Малага учун пианино». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Бешафқат фронт» сериясидан.
21.30 «Время».
22.05 «Биргаликда қўшиқ куйлаймиз, дўстлар».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 В. Моцарт. Валторна ва оркестр ижроси учун концерт. И. Будзак ва Братислава камер оркестри ижро этади. Дирижер — Ш. Робл (ЧССР).
19.00 «Саёҳатчилар клуби».
20.00 «Онамларнинг мактаби».
20.30 Туннингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.15 «Афсонавий дарахт». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Эркаклар». Бадиий фильм.
23.15 «Санъат усталари». ССРР халқ артисти Н. Рижов.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Тоза доска».
18.45 «Адабий альманах». Тележурнал. «Адабий сабоқ ва ҳозирги замон ўзбек шеърияти».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.05 «Пахта нима учун оппоқ». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Экранда — кинокомедия. «Автомобилдан сақлан».
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Бахтли одам». Бадиий фильм.
19.20 «Этюд». Манзарали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Балет кечаси.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Орзуни эъзозланг». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
21.30 МТ II

ШАНБА

2 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Грузия ССР Давлат телерадиосининг халқ чолғу оркестри чалади.
10.00 «Товарлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари, реклама».
10.30 «Малага учун пианино». Телевизион бадиий фильм. «Бешафқат фронт» сериясидан.
11.30 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
12.15 «Голиблар». 4-ҳаво армияси ветеранларининг учрашуви.
13.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.05 Дастлабки авиаконструктор ва учувчилардан бири С. В. Гризодубов ҳақида телефильм.
15.05 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Белтиншск созандалари» (Югославия).
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «Мангуликка айланган лаҳзалар» («Интерпрессфото-85» кўргазмаси ҳақида).
16.10 «Гум-Гам». Телеспектакль премьераси. «Бу фантастик олам» туркумидан.
17.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.20 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради.
19.20 «Саргузашт фильмлари экрани». «Барбод бўлган экспедиция». 1 ва 2-серялар.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)— «Спартак». 2-тайм.
22.45 «Агар соғлом бўлай десанг».
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Черноморец». 2-тайм.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Имтиҳонлар даври». Телефильм премьераси.
10.10 «Тонгги почта».
10.40 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.40 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». И. Левитан.
12.15 Реклама.
12.20 «Балет ҳақида». Хореограф М. Фокин.
13.30 «Экранда — кинокомедия». «Ташландиқ бола».
14.40 «Инсон — замин соҳиби». Қишлоқ коммунистларининг ишлари ва юмушлари.
15.40 «Кинопанорама».
17.25 Союзлар уйининг Колонна залида ўсмирлар учун музикали кўрсатув.
19.30 «Здоровье».
20.15 Халқ куйлари.
20.30 «Туннингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳужжатли экран». Кинолова.
21.30 «Время».
22.00 О. Голдсмит. «Хатолар туни». Телеспектакль.

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.
8.00 «Тонгги тароналар».
8.10 Врач маслаҳати. «Кўз касаллиги».
8.20 Қишлоқ ёшлари учун. «Инсон меҳнати билан улуғ».
8.30 «Ахборот».
8.55 «Далалар узра юлдузлар». Ғаллакорлар сулоласи ҳақида телефильм.
9.25 «Оналар мактаби».
9.55 «Бўёқлар симфонияси». Грузия ССР рассоми Версаладзе ҳақида телефильм.
10.40 «Москвалик хола». Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.00 «Савоя»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар ҳақида», «Мишка — сеҳргар».
19.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ёввойилар». Катталар учун мультфильмлар тўпламн.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Оламга сафар». Кинокўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 17.25 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Олға, карнайчилар!»
18.35 Болалар учун фильм.
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.30 Телефильм.
19.55 Шеърият кечаси.
20.30 «Ахбор».
20.55 Концерт.
21.30 МТ II

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 1/XI да Г. Измайловнинг юбилей кечаси (20.00), 2/XI да **Чио-Чио-Сан** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 1/XI да **Парвона**, 2/XI да **Инқилоб тонги** (19.00).

кино

1 НОЯБРЬ.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ» — **Санъат саройи** (16, 18, 20.00; телефонлар 44-21-34, 41-21-44, 44-21-74), **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-02), **Ватан** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«СЕВГИ МАВСУМИ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҚЎЙ ҲАЗИЛИНГНИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«КОТ ИЗДАН БОРАДИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«МЕНИНГ ЁШ РАФИҚАМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«МЕН СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **Қозоғистон** жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«ПАЛЕРМОДА ЮЗ КУН» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ЮБИЛЕЙ», МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

2-3 НОЯБРЬ КУНИ СОАТ 17.00 да

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ДИЗЕЛИСТ» (Пенза) КОМАНДАЛАРИ

ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

СССР Интурист давлат комитетининг ТОШКЕНТ БЎЛИМИ туризм ишқибозларини Совет Иттифоқи шаҳарлари бўйлаб мароқли саёҳатларга, шунингдек Қора денгиз соҳили — Сочи, Ялта, Дагомисда 10 кунлик дам олишга ТАКЛИФ ЭТАДИ

Группа бўлиб ва якка тартибда саёҳатларга чиқиш учун заявкалар 45 кун аввал қабул қилинади.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 33-84-62, 33-82-36, 39-23-42.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Совет туризми» бўлими.

1910-1917 йиллар аниқ тарихини қайта яратиш мақсадларида

«НЕТАЙ» БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН ҚАДИМГИ РЕКВИЗИТ (ТУРМУШ АНЖОМЛАРИ)

КЕРАК

Жумладан: бронзадан ясалган буюмлар, елпиғичлар, қутичалар, гобеленлар, фотосуратлар, кўзалар, шиша сополдан ясалган буюмлар, сервизлар, тўқима мебеллар, кийим-бош, пойабзал ва шу каби бошқа жиҳозлар.

Таклифлар билан қуйидаги адресга мурожаат этишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй, К. Ёрматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси, суратга олишга ҳозирлик кўриш бўлими. Телефонлар: 77-09-81, 77-93-02.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасининг

«АВТОДОРМЕХБАЗА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРЕСТИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

районлар автодормехбазаларн билан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиб олиб кетиш юзасидан 1986 йил учун

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ

1985 йилнинг 15 декабрига қадар

АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Уз муддатида шартнома тузмаган ташкилотларга районларнинг автодормехбазалари хизмат кўрсатмайди.

Айни бир вақтда, районларнинг автодормехбазалари ҳар хил аҳлат ва чиқиндиларни ташиб олиб кетиш юзасидан шахсий уй эгалари билан ҳам шартномалар тузади.

1 НОЯБРЬ. 1985 й. «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ». 4-бет. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Р-12585. А — 2252. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.